

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ  
JOURNAL OF WORD ART  
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

МУЛЬТИМАДАНИЙ ЖАМИЯТДА БАҒРИ КЕНГЛИКНИНГ ИНТЕРНЕТДА ЁРИТИЛИШИ

**Аминова Дилноза Хикматилла қизи**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети докторанти, сиёсий фанлар номзоди.  
nozikdil@mail.ru

**For citation:** Aminova Dilnoza. Internet media is a tool for promoting tolerance in multimedia societies. International Journal of Word Art. 2019, vol. 1, issue 15, pp. 99-107



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-15>

*Келиб тушган сана 16 февраль, 2019  
Эълон қилинган сана 31 март, 2019*

АННОТАЦИЯ

Мақола мультимедий жамиятда шароитида бағри кенглик ҳодисасининг илмий-назарий таҳлилига бағишланган. Шунингдек, бағрикенглик тушунчасининг шаклланиш тарихи, унга психология, фалсафа, социология, сиёсатшунослик ва маданиятшунослик фанлари нуқтаи назаридан илмий ёндашувлар батафсил талқиқ этилади.

Ҳар бир мамлакатнинг улкан тараққиёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи бағри кенглик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик тамойилларига бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда асрлар давомида шаклланган ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибатлилик каби қадриятлар халқимизнинг тарих синовларидан ўтишида муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, ўзбек халқининг маънавий меросида бағри кенгликни қарор топтиришга қаратилган қадриятлар чуқур тарихий илдиэларига эга.

Бағри кенглик халқаро ҳужжатларда ҳам алоҳида қайд этилган. 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО томонидан "Бағрикенглик тамойиллари декларацияси" қабул қилинади. Декларацияда эътиқод ва виждон эркинлигига ҳам эътибор қаратилган. Унинг 1-моддасида, бағрикенглик ўзимиз яшаб турган дунё маданиятининг бой ва хилма-хиллиги, инсон ўзига хослигини намоён қилиш шакллари ва усуллари хурмат қилиш, уни қабул қилиш ва тўғри тушуниш сифатида изоҳланган. 16 ноябрь Халқаро бағрикенглик куни сифатида белгиланган.

Мақолада мультимедий терминининг юзага келиши, моҳияти очиб берилди. Мультимедий жамият шароитида бағрикенглик ҳодисаси ахборот манбаларининг талқиқот объектига айланди. Мақолада ушбу масалалар uza.uz, kun.uz, ich.uz, interkomitet.uz, cisc.uz сайтлари мисолида таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** бағрикенглик, мультимедий, интернет, мультимедий, жамият, ислом маданияти, uza.uz, ich.uz, interkomitet.uz, kun.uz, cisc.uz.

ПРОБЛЕМА ТОЛЕРАНТНОСТИ В МУЛЬТИКУЛЬТУРНОМ ОБЩЕСТВЕ И ЕЕ ОСВЕЩЕНИЕ В ИНТЕРНЕТ-СМИ

**Аминова Дилноза Хикматилла қизи**

докторант Узбекского государственного университета мировых языков, кандидат политических наук

В данной статье дается теоретико-методологический анализ феномена толерантности в мультикультурном обществе. Кроме того, исследуется понятие толерантности, её история и нынешняя роль среди гуманитарных наук, таких как психология, философия, социология, политология и культурология.

Великое будущее каждого государства и его роль в мировом сообществе зависит от принципов толерантности, межнациональной дружбы и согласия. Многовековые принципы нашей страны как патриотизм, гуманность, толерантность и милосердие помогли нашему народу пройти через исторические испытания. Особенно, культура толерантности в духовном наследии узбекского народа имеет глубокие исторические корни.

Проблема толерантности является не только предметом научных исследований, но и международных документов. Ярким примером этого, является принятие Декларации принципов толерантности Организацией Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры от 16 ноября 1995 года. В Декларации также особое внимание уделяется вере и свободе совести. В 1-статье толерантность означает уважение, принятие и правильное понимание богатого многообразия культур нашего мира, наших форм самовыражения и способов проявлений человеческой индивидуальности. Ей способствуют знания, открытость, общение и свобода мысли, совести и убеждений. 16 ноября считается международным днем толерантности.

В статье также раскрывается сущность, содержание и краткая история понятия мультикультурализма. Проблема толерантности в мультикультурном обществе становится массовой темой многих средств информации. Все эти вопросы анализируются на примере таких сайтов, как uza.uz, kun.uz, ich.uz, interkomitet.uz, cisc.uz

Ключевые слова: толерантность, мультикультурализм, Интернет-СМИ, мультикультурные общества, центр культуры Байналмилал РУз, комитет по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при кабинете министров Республики Узбекистан, uza.uz, ich.uz, interkomitet.uz, kun.uz, cisc.uz.

---

## INTERNET MEDIA IS A TOOL FOR PROMOTING TOLERANCE IN MULTIMEDIA SOCIETIES

**Aminova Dilnoza Khikmatilla qizi**

Candidate of political sciences, DSc student of the Uzbekistan State World Languages University

---

## ANNOTATION

This article offers a theoretical analysis of tolerance in multicultural societies. It also explores approaches to the history of the formation of the concept of tolerance to the present-day from the point of such social sciences as psychology, philosophy, sociology, political science and culture.

The great progress of each country and its prestige in the international community is directly related to the principles of tolerance, interethnic friendship and harmony. The values such as patriotism, humanism, tolerance and kindness that have been shaped in our country for centuries have played an important role in the history of our people. In particular, values aimed at establishing a culture of tolerance in the spiritual heritage of the Uzbek people have deep historical roots.

The issue of tolerance is not only the subject of studies but it is also discussed in international documents. The adoption of the Declaration of Principles of Tolerance by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO) on November 16, 1995 is a good example of this fact. This declaration also focuses on freedom of conscience and religion. In Article 1, tolerance is defined as the richness and diversity of the culture of the world we live in, the respect for the forms and methods of the manifestation of human personality, and the freedom of conscience and religion. November 16 is recognized as the International Day of Tolerance and is celebrated worldwide.

At the same time, the article also outlines the essence and short history of multiculturalism. Tolerance has become one of the topics of public research in many sources in the context of multicultural societies. This article analyzes these issues on the example of internet sites as uza.uz, kun.uz, ich.uz, interkomitet.uz, cisc.uz.

**Key words:** tolerance, multiculturalism, Internet media, multimedia societies, Uzbekistan International Cultural Center, The Committee of the interethnic relations and friendly cooperation with foreign countries under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, uza.uz, ich.uz, interkomitet.uz, kun.uz, cisc.uz.

XX асрнинг охиригى ўн йиллигидан бошлаб бағри кенглик умумэтироф этилган тушунча сифатида қўлланилмоқда. Глобаллашув ва конвергенция жараёналари уни гуманитар фанлар бўлган кросс-маданий ва ижтимоий психология, фалсафа, социология, сиёсатшунослик ва маданиятшунослик каби фанлар доирасида кенг тадқиқ этишга имконият яратмоқда. Унинг илмий ва назарий асослари фанлароаро илмий тадқиқот доирасида ўрганилмоқда.

**Бағри кенглик ғарбда толерантлик (лат. *tolerantia* - чидамоқ) - фикри ва эътиқодидан қатъий назар ўзгалар билан муросада бўлишлик (инг. *tolerance*).**

Бағрикенглик термини кенг ва тор маънода қўлланади.

Кенг маънода - бу аралашмаслик; ўзгаларнинг ҳуқуқларини тан олиш; пассив бепарволик; бирон-бир ҳамжамият меъёрларига зид бўлган муносабатлара тоқат қилиш; дунёда тинчликни сақлаш мақсадида бошқаларга итбаткорлик.

Тор маънода - бошқаларга нисбатан муросада бўлиш [16, 6-6].

Бизнингча бағрикенглик - ўзгалар нуқтаи назари ва қарашларини тинч йўллар билан ўзаро тушунишга эришиш. Бундан кўриниб турибдики, бағрикенглик турли маданият вакиллари ижтимоий-маданий муносабатларини тартибга солувчи категория ҳамдир.

ЮНЕСКО ташкилоти томонидан дунёда тинчлик, динлар ва конфессиялараро мулоқотни ўрнатиш, миллатлар ва элатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ҳозирда бағрикенгликка оид 70 дан зиёд халқаро ҳужжат қабул қилинган. Уларнинг ёрқин намунаси 1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида эълон қилинган "Бағрикенглик тамойиллари декларацияси"дир. Ушбу кун бугун дунёда "Халқаро бағрикенглик" кунли сифатида кенг нишонланади [5]. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ушбу кунни нишонлаш анъанага айланган.

Масалан, 2018 йил 16 ноябрда "Ўзбекистон - миллатлараро тотувлик ва

диний бағрикенглик юрти" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда таъкидлаганидек, бағрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда фақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалардагина эмас, балки заминимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустақамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда [1].

Бугунги кунда мультимаданий жамият шароитида бағрикенглик масаласи янгича маъно ва мазмун касб этмоқда. Юртимизда 130 тадан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Интернетнинг жадал тараққиёти натижасида телерадиокўрсатув ва эшитиришлар 12 тилда эфирга узатилиб, аксарият Тв ва радио каналларнинг электрон ва онлайн шаклларида фойдалаувчиларга кўплаб қулайликларни яратиб берди.

[www.kun.uz](http://www.kun.uz) сайтининг 2018 йил 28 декабрда Президент Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида бағрикенглик масаласи таҳлил этилади. Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни юритиш" деб номланади.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимиз азалдан турли миллатлар, динлар, тиллар, маданиятлар ўзаро бирлашган, бағри кенг инсонлар яшайдиган барқарор замин сифатида ном қозонган. Бағрикенглик - бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни асраш барчамизнинг бурчимиздир.

Юридик фанлари доктори, профессор А.Саидов "2018 йил 12 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" номли махсус резолюция қабул қилингани улкан тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Президенти 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТнинг 72-сессияси минбаридан илгари сурган ушбу муҳим халқаро ташаббус БМТга аъзо

193 та давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон амалга ошираётган изчил тарихий бағрикенглик сиёсатининг яқдил халқаро этирофидир", дея қайд этади [10].

Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази раҳбари Ш.Миноваров "Маърифат ва диний бағрикенглик" жаҳонда тинчлик, дўстлик ва тотувликка хизмат қилади" номли мақоласида "Ўзбекистонда "Маърифат ва диний бағрикенглик" тамойилига мувофиқ Ислом цивилизацияси маркази, Халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Миср Араб олий мадрасаси ташкил этилмоқда. Бу кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган жуда муҳим ишлар қўлами ва мазмунининг ёрқин ифодасидир", деб таъкиллади [11].

Бизнингча, бугунги кунда дунёда кечётган маданиятлараро мулоқот ва интеграция шароитида халқлар ва маданиятларнинг ўзаро тинч-тотув яшаб кетиши учун қарама-қаршиликлар ҳамон кучайиб бормоқда. Шу сабабли бу каби зиддиятларни бартараф этишда бағрикенглик тамойили хизмат қилмоқда. Ҳар қандай жамият тараққий этиши учун унинг ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа ммилат вакиллари, этнослар, уларнинг тили ва маданиятини ҳурмат қилиши даркор. Зеро, бағрикенглик ўзгалар фикри, эътиқодининг қайсидир қирралари тўғри келмаса ҳам уларга тоқат қилиш ва ҳурмат қилишни англатади. Бундай ҳолат жамиятда маданий плюрализм ва мулоқотни юзага келтириб, мультикультурализм назарияси вужудга келишига олиб келди.

Мультикультурализм термини илк бор 1957 йилда швейцарияликлар томонидан қўлланган. Швейцария тўрт тилда сўзлашувчи ва турли динларга эътиқод қилувчилар давлати бўлганлиги боис, ўз давлатларини таърифлаш учун мазкур терминни қўллайдилар. 1971 йилдан бошлаб бир мамлакатда турли тил ва динларнинг мавжудлигини англатувчи термин мухожирларни қабул қилиш ва улар маданиятини ҳурмат қилиш кўп маданиятли давлат маъносини англатган. Масалан, Канада ҳукумати "мультикультурализм"

сиёсатидан қарама-қарши бўлган маданиятлар, яъни кичик маданиятлар билан мамлакатда устунлик қилаётган маданиятларни (кўпчиликни ташкил этувчи иглиз тили аҳоли билан камчиликни ташкил этувчи француз тилида сўзлашувчи аҳоли) бирлаштириш мақсадида фойдаланган. Канададан сўнг Буюк Британия ва Нидерландия бир мамлакат ҳудудида турли маданиятларни мавжудлигини тан олиш мақсадида мультикультурализм сиёсатини қўллаганлар.

Таъкидлаш жоизки, Фарб мамлакатлари биринчи бор бошқа халқлар маданияти билан Португалия ва Франциянинг Африка ва Лотин Америкасида ўз қишлоқларини барпо этаётган XV асрдан XVII аср оралигидаги мустамлака даврига тўғри келади. Аксарият ҳозирги маданият-шунослар фикрича айнан ўрта асрлар ва ўрта асрлардан кейинги мустамлакачилик маданий глобаллашув жараёнларининг шаклланишига сабаб бўлди, деб таъкидлайдилар [3, 5-6 б].

Таниқли маданиятшуно Б.Парек қайд этишича, 1970 йилларнинг бошида аввал Канада ва Австралия, сўнгра АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқа давлатларда мультикультурализм ҳаракати вужудга келган. Ушбу ҳаракат ҳозирда миллий жиҳатдан жуда қаттиққўл бўлган, ҳар ўн йилда ўз аҳолисини рўйхатга олмаган, этник, маданий ва ирқий мансублигини расман эътиборга олмаган Франция сиёсий дастурида устунлик қилмоқда [14].

Мультимаданий жамият шароитида бағрикенглик масаласи ижтимоий гуманитар фанлар доирасида кенг тадқиқ этилмоқда. Масалан, бағрикенгликнинг илк фалсафий жиҳатлари Конфуций (ахлоқий-сиёсий), Сукрот (маънавий ва ижтимоий бирлашув), Афлотун, Демокрит ва Эпикур (эркин фикр) қарашлари шаклида намоён бўлган. Дж.Локкнинг "Бағрикенглик очерклари" (Очерки о терпимости) ва "Бағрикенглик ҳақидаги хатлар" (Письма о терпимости) диний бағрикенгликни акс эттирувчи асарлардан ҳисобланади [12, 2-6].

Шу билан бир қаторда, А.Лебедева, Г.Ильинская, Д.Мутагиров, М.Смагин, В.Шалин, А.Шипилов, М.Шугуровлар бағрикенглик кўринишларининг назарий-

методологик асосларини, М.Алиев, В.Ачкасов, Г.Бардиер, Е.Головаха, П.Гречко, А.Грива, А. Григорян, Л.Дробижева, Н.Круглова, Д. Мутагиров, В.Петров [9, 6-6] ва бошқалар турли хилдаги ижтимоий феъл-атвор масалаларини, А.Асмолов инсоният маданиятининг кўп қирраллигини тан олиш, ўзаро ёрдам ва ишонч, В.А.Лекторский "шахсий тажриба уфқлари" кенгайтишига имконият яратувчи танқидий мулоқот, Р.Валитова инсоннинг ўзга кишилар билан мулоқотга киришиши ҳамда В.А.Тишковнинг мулоқот, турли фикр ва мулоҳазалар орқали ақли ва кучли кишиларни ҳақиқат сари етаклашга сафарбар қилиш каби муаммоларни тадқиқ этганлар [4, 135-6].

Тадқиқотчи Б.З.Вульфов эса бағрикенгликни педагогика соҳасида ўрганиб, уни "бошқа менталитет, ҳаёт тарзи хос бўлган ўзга кишилар билан яшаш учун инсон имкониятлари", деб таърифлайди [6, 12-15 б].

Шунингдек, А.А.Ермакова, В.В.Коробковалар ҳам бағрикенгликни педагогика таркибида таҳлил қилиб: "Бағрикенглик - қизиқиш ва дунёқараш, ижтимоий, маданий жиҳатдан бошқа кишилардан фарқ қилувчи инсоннинг конструктив ва келишувли ўзаро ҳаракатини шакллантирувчи фаол ахлоқий ҳолати ҳамда психологик тайёрлик сифатига айтилади", деб таърифлайдилар [7, 55-59 б].

Бу икки таърифдан кўриниб турибдики, бағрикенглик жамиятдаги инсонларнинг хулқ-атвори, дунёқараш, ҳатто қизиқишлари фарқли бўлишига қарамай, ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирига бардошли бўлишлари учун айнан бағрикенглик кўприк воситасини ўтамоқда. Инсоннинг ахлоқий хусусиятлари эса унга конструктив ўзаро муносабатларга киришишлари учун хизмат қилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бағрикенглик - бу ўзгалар қараш, ишончи, қадриятлари ҳамда ҳаётий тажрибаларининг ички жиҳатларига аралашмасдан уларни ҳурмат қилиш ва тан олишни англатади.

Психология фанлари номзоди Н.Сольнин ҳам бағрикенглик масаласига алоҳида эътибор қаратади. Унинг "Ўрта мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва олий

ўқув юртлари талаблари этник бағрикенглигининг психологик тузилиши" ("Психологическая структура этнической толерантности учащихся средней школы, студентов средних и высших профессиональных образовательных учреждений") психология фанлари номзоди диссертация авторефератида бағрикенглик қуйидагича изоҳланади:

- шахс, жамият ва давлатнинг ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш қобилияти;
- шахс ёки бирон ҳодисанинг можароларсиз қабул қилишга тайёрлиги;
- сиёсий ва диний қарашлардан қатъий назар бошқаларнинг эрки, яшаш тарзи, хулқ-атвори ва фикрини ҳурмат қилиш;
- бошқа маданият вакиллари, уларнинг динига нисбатан бағрикенг бўлиш;
- можароларни тинчлик йўли билан ҳал этиш;
- ўзаро келишувли мулоқотга эришиш [11, б.14-15].

Яна бир тадқиқотчи олима А.С.Пуртова "Ижтимоий транзит жамиятда бағрикенглик хусусиятлари" (Особенности толерантности в обществе социального транзита) фалсафа фанлари номзоди диссертация авторефератининг "Бағрикенглик ижтимоий-фалсафий категория" номли параграфиди бағрикенгликни ўрганишга бўлган қуйидаги ёндашувларни келтириб ўтади:

- ҳуқуқий ёндашув (бағрикенглик жамиятни ҳуқуқ асосида қуришни талаб этади);
- психологик ёндашув (бағрикенглик бир томондан бетарафлик, бефарқлик бўлса, иккинчи томондан яхшилик ва ўзаро гамхўрликни англатади);
- фалсафий ёндашув (ҳар қандай тўғри бўлмаган ақидани тан олиш);
- фаолиятли ёндашув (бағрикенгликнинг антропологик табиатини аниқлаш);
- тарихий ёндашув (бағрикенглик гоёсининг шаклланиши);
- маданий (бағрикенг онгни шаклланиши ва тараққиётига хизмат қилучи ва тўсқинлик қилувчи маданиятлар турини аниқлаш);
- сиёсий ёндашув (бағрикенглик тамойилига асосланган ва асосланмаган ҳокимият услублари) [15, б.15-16].

Шу билан бирга, яна бир рус тадқиқотчиси М.Мацковский бағрикенгликнинг синфлараро, сиёсий, географик, таълим ва маргинал кўринишлари мавжудлигини эътироф этади. Унга кўра "синфларо бағрикенглик" бойларнинг камбағалларга ва камбағалларнинг бойларга нисбатан бир-бирдан устун бўлмаган муносабати билан характерланади. "Географик бағрикенглик" турли овул ва қишлоқ аҳолисининг бошқа овул ва қишлоқ аҳолисига нисбатан устун бўлмаслиги. "Таълим бағрикенглиги" турли таълим имкониятларида кишиларнинг вербал ва реал ҳаракатига нисбатан тенг муносабатини англатади. "Маргинал бағрикенглик" эса камбағал, фақир ва бечораларга нисбатан тенг муносабатда бўлишни билдиради [8, б.40-52].

Юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат бермоқдаки, олимларларнинг аксарияти бағрикенглик ҳодисасини фалсафий, тарихий, маданий, миллий, конфессиялараро, гендер, этник ва сиёсий жиҳатларини кўпроқ ўрганганлар. Субмаданий, профессионал ва бошқа кўринишлари эса тадқиқотчиларнинг эътиборини камроқ тортганлиги маълум бўлди.

Айнан А.Г.Асломов ва М.Мацковскийлар бугунги мультимаданий жамиятлар таркибидаги контекст нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бағрикенгликнинг хали чуқур ўрганилмаган кўринишларини келтириб ўтадилар. Бу эса, ҳодисанинг ечилмаган қирраларини кашф этишга янгича муносабатни юзага келтириб, замонавий мультимаданий жамият қадриятлари тизимини асослаб берувчи янги бағрикенглик фалсафаси илмий-назарий концепциялари янада ҳам кўпайишига олиб келади, деб умид қиламиз.

Бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масаласи маҳаллий олимлар А.Саидов, Ш.Сирожиддинов, Р.Юнусалиев, А.Мусаев, С.Муҳаммадиев, М.Жонихонов ва бошқалар томонидан илмий-назарий жаҳатдан ўрганилган.

Сўнгги йилларда бағрикенглик масаласи оммавий тадқиқот мавзуларидан бирига айланди. Сабаби бугунги кунда кўп миллатли ва кўп конфессияли

мамлакатларда унификация жараёни кечмоқда. Бу эса, жамиятда тенг ҳуқуқлилини барча фуқарога бир хилда тадбиқи учун муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, демократик бошқарув шаклидаги давлатлар эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида бағрикенглик тамойилидан кенг фойдаланмоқдалар. Зеро, бағрикенглик жамиятдаги инсонлар ҳаёти фаолиятини тартибга солувчи, инсонпарварлик сари етаковчи, ўзгалар фикри, эътиқоди, хулқ-аторига сабр-тоқатли бўлишга хизмат қилувчи воситадир. Зотан, у орқали дунёда содир бўлаётган турли ахборотни хуружлар, носоглом глобаллашув жараёни, айниқса, конфессионал ва диний можаролар олди олинмоқда.

Ўзбекистонда Интернет орқали бағрикенгликни ёритишда жонбозлик қилиб келинмоқда. Ҳозирда Uz миллий доменда 54000 дан ортиқ ном рўйхатга олинган, улардан 450 таси ОАВ сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бугун ўзбек сегментида "uza.uz", "xs.uz", "jahonnews.uz", "daryo.uz", "kun.uz" "qalampir.uz", "gazeta.uz", "podrobno.uz" энг оммавий янгилик сайтлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг www.uza.uz сайти ТАСС ва ЎзТАГдан қолиб кетган эски қолиплардан воз кечиб, мақолаларни эркин тарзда бераётгани, фикр айтувчилар учун минбар-платформа яратгани, танқидий мақолаларни қисқартирмасдан чоп этаётгани сабабли аудиторияси ҳам кенгайди. Баъзи кунлари сайт ўқувчилари сони 15-20 000 га ҳам етди [18].

Аксарият сайтлар таркибида жамиятнинг энг муҳим бўлган соҳалари - иқтисод, сиёсат, фан, спорт, туризм билан бирга маданият руҳи ҳам мавжуд. Ушбу руҳда маданият соҳасининг сўнгги янгиликлари билан бирга, таҳлилий мақолалар, қизиқарли фактлар ва маълумотлар ўрин олган.

Масалан, www.uza.uzнинг "Бағрикенглик ва инсонпарварлик - давлат сиёсатининг устувор йуналиши" (20.11.2018), "Ўзбекистон - миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик юрти" (16.11.2018), "Хитой-Ўзбекистон музокараларида

миллатлараро бағрикенглик масалалари" (24.10.2018), "Тинчлик ва бағрикенглик тимсоли" (18.10.2018), "Бағрикенглик ва дўстлик - мамлакатда фаровонликни таъминлайди" (20.09.2018), "Ўзбекистон - байналмилаллик ва бағрикенгликка асосланган мамлакат" (07.09.2018), "Бағрикенглик - тинчликнинг муҳим омили" (06.08.2018) каби мақолалар Интернет бағрикенгликни тарғиб этувчи восита эканлигини исботламоқда.

Шунингдек, [www.uza.uz](http://www.uza.uz)нинг 15.01.2017 йил (15:02) даги "Республика байналмилал маданият маркази ташкил топганига чорак сар тўлди" мақоласида: "Ўз куч-қудратига ишонган, миллий қадриятлари ва умуминсоний маънавиятни муштарак ҳисоблаб, ўзига лойиқ билганини ўзгаларга ҳам раво кўрадиган буюк қалбга эга миллатнинг бағри кенг бўлади. Шу маънода бугун Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари аҳил, иноқ ва тотув оила бўлиб яшаётгани, ягона мақсад - мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиши йўлида ҳамжиҳат меҳнат қилаётгани ҳақли равишда ҳавасга лойиқдир.

1992 йил 13 январда Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Ўзбекистонда Республика байналмилал маданият маркази (расмий сайти [www.ich.uz](http://www.ich.uz)) тузилди. Ҷша йили қабул қилинган Асосий қонунимизда "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ташкил этиши" белгилаб қўйилди. Конституциямизга кўра, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланмоқда, уларнинг ривожланиши учун барча шароит яратилмоқда", [19] деб келтирилади.

Бағрикенгликни тарғиб қилиш мақсадида Республика байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда турли миллат қадриятлари, мамлакатимизнинг миллатлараро тотувлик тажрибаси, халқимизнинг ўзаро аҳил ва ҳамжиҳат ҳаёти ифода этилган халқ амалий санъати, тасвирий ва фотоасарлар кўргазмаси, "Ўзбекистон мустақиллиги-миллатлараро муносабатлар ривожидан янги давр"

мавзуида илмий-амалий анжуман, "Ўзбекистон - умумий уйимиз" фестивали голиблари иштирокида ҳар йили гала-концерт ўтказилади. "Ўзбекистонда бағрикенглик маданияти" ("Культура толерантноси в Узбекистане") ҳужжатли фильми тайёрланиши, "Ўзбекистон - тинчлик ва тотувлик мамлакати" китоби, "Ягона оилала" ("В семье единой") журналининг махсус сони чоп этилган.

Бағрикенглик масаласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳам алоҳида жонбозлик қилиб келмоқда. Қўмитанинг расмий сайти [www.interkomitet.uz](http://www.interkomitet.uz) ҳисобланади [18].

Қўмита таркибида 20 та Ўзбекистон миллий маданий марказлари: араб миллий маданият маркази, Ўзбекистон арман миллий маданият маркази, корейс маданий марказлари уюшмаси, Заки Валидий номидаги Тошкент шаҳар Бошқирд ижтимоий маданий маркази, Тошкент шаҳар "Свитанак" белорус маданий маркази, Ўзбекистон яҳудий миллий маданий маркази, Тошкент шаҳар Хитой маданий маркази, Ўзбекистон қозоқ миллий маданият маркази, "ВИЭДЕРГЕБУРГ" Ўзбекистон немислар маданий маркази, Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази, "СВЕТЛИТСА ПОЛСКА" поляк маданий маркази, озарлар миллий маданий марказлари уюшмаси, тожик миллий маданий маркази, туркман маданий маркази, "СЛАВУТИЧ" украинлар маданий маркази, руслар маданий маркази, Тошкент шаҳар татар ижтимоий маданий маърифий маркази, Тошкент болгар маданият маркази, Тошкент шаҳар "МЕГАБРОБА" грузин маданий маркази, Тошкент шаҳар "АВДЕТ" қримтатар миллий маданий маркази, Тошкент шаҳар дунган маданий маркази, Тошкент шаҳар грек маданияти жамияти, Тошкент шаҳар Литва маданияти жамияти, Ўзбекистон "АХИСХА" турк миллий маданий маркази ва уйғур маданият марказлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шу билан бир қаторда, "Ўзбекистон-Греция, "Ўзбекистон-Грузия", "Ўзбекистон-Қирғизистон", "Ўзбекистон-

Қозоғистон", "Ўзбекистон-Озарбайжон", "Ўзбекистон-Польша", "Ўзбекистон-Франция" дўстлик жамиятлари ҳам келтирилади.

Мамлакатимизда миллатларо тотувлик, ҳамжихатлик ва диний бағрикенгликни мустақамлаш мақсадида 2017 йил 2 августда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази"нинг фаолияти беқиёс. Унинг расмий сайти [www.cisc.uz](http://www.cisc.uz) ҳисобланади. Сайт таҳлили натижаларига кўра диний бағрикенглик масаласи "Маърифат ва диний бағрикенглик" жаҳонда тинчлик, дўстлик ва тотувликка хизмат қилади" (01.01.2019), "Туркия -Ўзбекистон муносабатлари 1-халқаро симпозиуми" (22.12.2018), "Россия ва мусулмон олами" стратегик қарашлар гуруҳининг йиллик конференция-семинари" (22.11.2018), "Ўзбекистон-Франция: маданий-маърифий ҳамкорлик йўлида" (04.10.2018), "Ўзбекистон бутун дунё мусулмонлари қалбларини яқинлаштиради" (14.08.2018) каби бир қатор илмий моқолаларда ўз аксини топган [19].

Хулоса тариқасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

Биринчидан, бағрикенглик бир инсоннинг бошқа инсонлардаги ўзига хос хусусиятлар бўлган ирк, тил, дин, эътиқод, оммавий бирлашмалар мансублигини ўзaro

тан олиш ва ҳурмат қилишни англатувчи тушунчадир.

Иккинчидан, Интернет журналистика тараққийи натижасида дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалар, муаммолар ва уларнинг ечими Интернет орқали кенг омма эътиборига хавола этилиши билан бирга, уларга танқидий ва таҳлилий фикр билдириш имкониятини ҳам яратмоқда.

Учинчидан, бағрикенглик масаласи уч йирик ташкилот Республика байналмилал маданият маркази (расмий сайти [www.ich.uz](http://www.ich.uz)), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (расмий сайти [www.interkomitet.uz](http://www.interkomitet.uz)) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази (расмий сайти [www.cisc.uz](http://www.cisc.uz)) таҳлилга тортилган.

Тўртинчидан, бағрикенглик масаласига доир маълумотлар [www.uza.uz](http://www.uza.uz) ва [www.kun.uz](http://www.kun.uz) сайтлари мисолида тадқиқ этилган.

Бешинчидан, юқорида зикр этилган Ўзбекистон Интернет орқали тақдим этаётган маълумотлар фақат ахборот шаклида эканлиги билан кифояланмоқда. Зеро, бугун маълумотлар журналистикасида энг кўп қўлланилаётган жанрлар: инфографика, лонгрид, тайм лайдан кўпроқ фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Акмалова И. Бағрикенглик - миллатларо тотувлик гарови // <http://islaminstitut.uz> (Akmalova I. Tolerance as a guarantee of interethnic consent // <http://islaminstitut.uz> )
2. Бабич И.Л., Родионова О.В. Теория и практика мультикультурализма / Исследования по прикладной и неотложной этнологии. -М, 2009. Вып. 215. -С.5-6. (Babich I.L., Rodionova O.V. Teoriya i praktika multikulturalizma/ Issledovaniyapo prikladnoy i neotlojnoj etnologii. - М, 2009. Vip215. -P.5-6.)
3. Боярчук Т.Ф. Феномен толерантности в современном мультикультурном обществе: междисциплинарный аспект исследования // Государства Центральной и Восточной Европы в исторической перспективе. Вып. 2: в 2 ч. Ч.1: сб. науч. ст. по материалам II Междунар. науч. конф. - Пинск, 2017. -С.135. (Boyarchuk T.F. Fenomen tolerantnosti v sovremennom multikulturnom obshestve: mejdistiplinarniy aspekt issledovaniya// Gosudarstva Sentralnoy i Vostochnoy Evropi v istoricheskoy perspektive. Vip.2: v 2 ch. Ch.1: sb. nauch.st. po materialam II Mejdunar. nauch.konf. - Pinsk, 2017. - P.135.)
4. Бугун - бағрикенглик куни. Тошкентда йирик анжуман бўлиб ўтмоқда // <http://qalampir.uz> (Today is a tolerance day. It was held importance conference in Tashkent // <http://qalampir.uz> )



5. Вульф В.З. Воспитание толерантности, сущность и средства. // Внeshkоlnик. 2002, №6. - С.12-15. (Vulfov V.Z. Vospitanie tolerantnosti, sushnost i sredstva. // Vneshkоlnik. 2002, №6. -P.12-15.)

6. Ермакова А. А., Коробкова В. В. Формирование межнациональной толерантности у старших подростков в условиях общеобразовательной // Социальное благополучие человека в современной России: межпрофессиональное и межведомственное взаимодействие: мат-лы IV Краевой студ. науч. конф. -Пермь.

2012. -С. 55-59. (Ermakova A. A., Korobkova V. V. Formirovanie mejnatsionalnoy tolerantnosti u starshix podrostkov v usloviyax obheobrazovatelnoy // Sotsialnoe blagopoluchie cheloveka v sovremennoy Rossii: mejprofessionalnoe i mejvedomstvennoe vzaimodeystvie: mat-li IV Kraevoy stud. nauch. konf. - Perm,2012. -P.55-59.)

7. Мащковский М. Толерантность как объект социологического исследования [Электронный ресурс] / М.Мащковский // Век толерантности: научно-публицистический вестник. -М, 2001. № 3-4. -С.40-52. Режим доступа: <http://www.tolerance.ru/vek-tol/3-0.html> (Maksovskiy M. Tolerantnost kak obekt sotsiologicheskogo issledovaniya [Elektronniy resurs] / M.Matkovskiy // Vek tolerantnosti: nauchno-publitsicheskii vestnik. -M, 2001. № 3-4. P.40-52. Rejim dostupa: <http://www.tolerance.ru/vek-tol/3-0.html> )

8. Миноваров Ш. "Маърифат ва диний бағрикенглик" жаҳонда тинчлик, дўстлик ва тотувликка хизмат қилади // <http://cisc.uz> (Minovarov Sh. "Spirituality and religious tolerance" will cooperate to peace, friendship and consent in the world //<http://cisc.uz>)

9. Саидов А. Миллий ғоя ва бағрикенглик // <http://ishonch.uz> (Saidov A. National concept and tolerance // <http://ishonch.uz> )

10. Сольнин Н. Психологическая структура этнической толерантности учащихся средней школы, студентов средних и высших профессиональных образовательных учреждений. Автореф. дис. на соиск. уч. степ. канд. психол. наук. Ярославль, 2014. -С.14-15. (Solinin N. Psixologicheskaya struktura etnicheskoy tolerantnosti uchajixsya sredney shkoly, studentov srednix i vsixix professionalnyx obrazovatelnyx uchrejdeniy. Avtoref. Disser. Na soisk. Uch. Step. Kand. Psixol. Nauk. Yaroslavl, 2014. -P14-15.)

11. Темичева Е. Толерантность как условие существования. Аналитический обзор // Информационно-аналитический бюллетень. 2001. №2. -С.2. (Temicheva E. Tolerantnost kak uslovie sushestvovaniya. Analiticheskiy obzor // Informatsionno-analiticheskiy byulleten. 2001. №2. -P.2.)

12. Parekh V. What's multiculturalism // Multiculturalism. A symposium on democracy in culturally diverse societies. 1999. № 484.

13. Пуртова А.С. Особенности толерантности в обществе социального транзита. Автореф. дис. на соиск. уч. степ. канд. философ. наук. Архангельск, 2012. -С.15-16. (Purtova A.S. Osobennosti tolerantnosti v obhstve sotsialnogo tranzita. Avtoref. dis. na soisk. uch. step. kand. filosof. nauk. Arxangelsk, 2012. -P. 15.)

14. Чепкина Э.В. Проблемы толерантности в средствах массовой информации. Учебно-методическое пособие. -Екатеренбург, 2016. С. 6. (Chepkina E.V. Problemi tolerantnosti v sredstvax massovoy informatsii. Uchebno-metodicheskoe posobie. -Ekaterenburg, 2016. -P.6.)

15. Хижняк А.В. Лабиринты толерантности: монография / А. В. Хижняк. - Х. : ХНУ имени В. Н. Каразина. - Харьков, 2014. -С.6. (Xijnyak A.V. Labirinti tolerantnosti: monografiya / A. V. Xijnyak. - Х.: ХНУ имени В. Н. Karazina. - Xarkov, 2014. -P.6.)

16. Ўзбекистонда интернет журналистика // [www.davronbek.ziyouz.com](http://www.davronbek.ziyouz.com) (O'zbekistonda internet jurnalistika // [www.davronbek.ziyouz.com](http://www.davronbek.ziyouz.com))

17. Ёқубов У. Республика байналмилал маданият маркази ташкил топганига чорак сар тўлди // <http://www.uz.uz/oz/society/respublika-baynalmilal-madaniyat-markazi-tashkil-topganiga-ch> (Yoqubov U. Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil topganiga chorak asr to'ldi // <http://www.uz.uz/oz/society/respublika-baynalmilal-madaniyat-markazi-tashkil-topganiga-ch>)

18. [www.interkomitet.uz](http://www.interkomitet.uz)

19. [www.cisc.uz](http://www.cisc.uz)